Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 15 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 65 (7364)

Da'vat

Биз ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 33-мактаб жорий таъмири учун "Мустақиллик" ижара ширкатлар бирлашмаси (раиси Нарзиқул Холбоев) 200 минг сўмлик маблағ ажратди, кам таъминланган оилалар фарзандларини эса 50 минг сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлади.

Milliy istiqlol g'oyasi

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ: ТАДҚИҚОТ ВА АМАЛИЁТ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Истиқлол даври — Ватанимиз тарихи саҳифаларига халқимизнинг асрий орзулари ушалган йиллар сифатида битилмоқда. Бу даврда мамлакатимизнинг ижтимоий қиёфаси тубдан ўзгарди, ҳаётнинг барча соҳаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бугун, Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида эришилган ютуқлар сарҳисоб этилиб, келажакнинг режалари белгилаб олинмоқда. Жамиятимизнинг юксак тараққиётига эришиш йўллари ва омиллари, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлигини таъминлаш имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурати ҳар биримиздан фаол ва омилкор бўлишни талаб қилади.

Бу олижаноб мақсадларга осонликча эришиш қийин. Тинчлик ва барқарорликни кўз қорачиғидай асраш, халқимизни, айниқса, ўсиб-униб келаётган ёш авлодни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоялаш зарур. Модомики, ана шундай мафкуравий таҳдидлар ва хавфлар бор экан, ҳар биримиз бу масаланинг долзарблигини чуқур ҳис қилишимиз, ўзимизнинг бурч ва масъулиятимизни англамоғимиз зарур.

Ана шу сабабдан ҳам бугунги кунда миллий истиқлол ғоясининг долзарб мавзуларини илмий-назарий тадқиқ этиш ва шу асосда амалиёт учун зарур қўлланма, услубий ишланмалар яратиш ниҳоятда долзарб масала бўлиб қолди. Кенг қамровли ва серқирра иш бўлган бу вазифани бажариш учун мамлакатимиз фанининг барча соҳаларида хизмат қилаётган фаол, жонкуяр олим ва мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида "Миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг ўзбек модели" мавзусига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинар ана шу долзарб масалага бағишланди. Баҳсмунозаралар руҳида ўтган бу анжуманда алоқадор вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари, маънавият-маърифат, таълим-тарбия, ижтимоий фанлар билан бир қаторда иқтисод, техника ва технологиялар, ишлаб чиқариш, банк-молия соҳаси билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар иштирок этдилар.

Йиғилишнинг асосий маърузачиси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев юқоридагиларни таъкидлар экан, қатнашчилар диққатини миллий истиқлол ғояси тадқиқига оид илм-фан соҳасида амалга оширилган ишлар ва бу борада яна қуйидаги бир қатор долзарб масалалар бор эканлигига қаратди:

1. Миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг ўзбек модели Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган яхлит таълимот эканлиги ва улар орасидаги боғлиқлик мавзуини илмий тадқиқ этишнинг аҳамияти.

2. Фан ва техника соҳаси олим ва мутахассислари, ижодий уюшмалар, таълим-тарбия жабҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг бу борадаги долзарб вазифалари.

3. Миллий истиқлол ғояси ўқув фанини таълим тизимига жорий қилишнинг мазкур масала билан чамбарчас алоқаси ва бу соҳадаги илмий изланишларнинг самарадорлигини ошириш. Тадқиқотларимиз натижаларини ушбу фан бўйича яратилаётган дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда акс этишини таъминлаш.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, — деди маърузачи, миллий истиқлол ғоясининг ҳаётий кучи бошқа кўпгина соҳалар каби, тараққиётнинг ўзбек моделини амалга оширишда яққол намоён бўлади. Бу моделнинг асосчиси Ислом Каримов раҳбарлигида республикамизда амалга оширилаётган тараққиёт йўлининг асосий хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир.

Унинг рационал мағзи жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион — тадрижий равишда ислоҳ этишни назарда тутади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган бу модел ҳаётнинг барча соҳаларида аҳамиятини намоён этмоқда. Ўз моделига эга бўлмаган ва бу тўғридаги тараққиёт тамойилларини вақтида аниқлаб олмаган баъзи собиқ иттифоқ республикаларининг аччиқ тажрибаси ўзбек моделига эътиборни янада оширди. Бу эса ўз навбатида миллий истиқлол ғоясининг мамлакатимиз тараққиётидаги ҳар бир босқичга хос намоён бўлиш хусусиятларини аниқ-равшан тасаввур қилиш учун ушбу моделнинг асосий йўналиш ва тамойилларини ҳар томонлама тадқиқ этишни заруратга айлантиради. Мазкур соҳада илғор мамлакатларда жамият тараққиётини моделлаштириш борасида олиб борилаётган тадқиқот натижаларидан ижодий фойдаланиш билан бир қаторда ушбу масалага республикамизнинг турли соҳаларда иш олиб бораётган олим ва мутахассисларининг диққат-эътиборини қаратиш ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда.

Бугун гап мазкур моделнинг миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари билан ҳамоҳанг эканлиги, унинг ўзига хос томонлари, халқимизнинг пировард мақсадларини ифодалаши ва уни амалга ошириш учун зарур мафкуравий чора-тадбирлар билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг моҳиятини халқимизга тушунтириш, бу соҳада чуқур илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш тўғрисида бормоқда.

Аслини олганда, миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг ўзбек модели халқимизни стратегик мақсадларга, яъни буюк келажакка етказишга хизмат қиладиган яхлит таълимотнинг бир-бири билан диалектик алоқадорликда намоён бўладиган икки томонидир. Уларнинг ҳар бири алоҳида назария бўлса-да, аммо бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда амалга ошади ва жамиятимизда рўй бераётган умумий жараён тўғрисидаги яхлит таълимот бўлиб ҳисобланади. Олим ва мутахассисларимизнинг бу борадаги асосий вазифаларидан бири ана шу боғлиқлик ва диалектик алоқадорликни жаҳон фани ютуқлари, универсал услуб ва технологияларни қўллаш имкониятларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Мамлакатимизда жамият тараққиётини моделлаштириш муаммолари билан бевосита шуғулланадиган олим ва мутахассислар кам, чуқур, илмий асосланган тадқиқотлар оз. Президентимиз томонидан тараққиётнинг ўзбек модели истиқлолнинг илк давридаёқ асослаб берилганига қарамасдан, бу соҳада илмий-назарий тадқиқот натижалари оммабоп китоблар етарли деб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

Mustaqillik inshootlari

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ — БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Бунёдкорлик ишлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Яқинда Элликқалъа туманида яна бир муҳташам бино — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети қошидаги "Бўстон" академик лицейи барпо этилди. У 600 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу ерда таълим жараёни тўрт йўналишда олиб борилади.

Замонавий услубда бунёд этилган мазкур академик лицейда ўқувчиларнинг таълим олиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги тантаналари кунларида "Бўстон" академик лицейи ёшларни ўз бағрига олади.

Суратда: *Элликқалъа туманида барпо этилган "Бўстон" академик лицейининг олд кўриниши.*

Омонбой Муротов (ЎзА) олган сурат.

ИЖОДКОРЛИК ЙЎЛИ БИЛАН — ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИГА

Жиззах вилояти фан ўқитувчиларининг яқинда бўлиб ўтган педагогик ўқишларида ана шу тамойил устуворлик қилди

Жиззах вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида шу йилнинг 9-11 август кунлари бўлиб ўтган вилоят халқ таълими ходимлари 2001-2002 ўқув йили олди август педагогик ўқишларининг ялпи ва шўъба йиғилишлари Республика ўқитувчиларининг биринчи конференциясида белгиланган вазифаларни амалда бажаришга бағишланди.

Унда олимлар, дарсликларнинг муаллифлари — физика-математика фанлари доктори, профессор Мирфозил Мирзааҳмедов, биология фанлари доктори, профессор Очил Мавлонов, физика-математика фанлари номзоди Ҳабибулла Тожимуҳамедов, филология фанлари номзоди Абдуҳамид Тангриев, РТМ директори Гуландон Алимова, методист олимлардан Саидолим Орифхўжаев, Баҳодир Болтаев, Мухтор Маҳкамов ва бошқалар иштирок этиши барчага бирдек фойдали бўлди. Гап шундаки, у ерда олимлар ва амалиётчи ўқитувчилар дастур, дарслик ва қўлланмаларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида қизғин фикрлашдилар.

Биология шўъбасида ўқитувчиларнинг иш тажрибалари акс этган "Маҳалла ҳудудида ўсадиган доривор-шифобахш ўсимликлар", "Биология фани бўйича дастур материалларини режалаштиришда ДТС талаблари", "Биология фанини ўқитишда янги педагогик технология (ЯПТ) лардан фойдаланиш", "Ноанъанавий дарсларни ташкил этиш", "Амалий машғулотлар ўтказиш", "Ўқувчилар онгида экологик билимларни шакллантириш", "ЯПТ асосида ўтилган дарс таҳлили" каби ўнлаб мавзуларда қизғин баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтдики, улар янги ўқув йилида шу фан таълими самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб қолади.

Шу билан бирга улар муаммоларни ҳам яшириб ўтирмадилар. Масалан, дарсликлар билан ДТСларнинг мос эмаслиги, 7-8 синфларда режа-дастурнинг шу кунгача етиб келмаганлиги, фанларни ўқитишда кўргазмали қуролларнинг етишмаслиги каби муаммолар тўғрисида ҳам сўзлашди.

Дарҳақиқат, шўъба йиғилиш иштирокчилари кўп нарсага эга бўлишди. Олимлар билан юзма-юз келишиб, баҳслашишди. Муаммоларни бартараф этиш йўлларини биргаликда излашди. Ана шу каби жиҳатлари билан бу тадбир дарсликлар муаллифларига ҳам, ўқитувчилар учун ҳам баб-баробар фойдали бўлди.

География шўъбаси йиғилиши эса "Бир жон, бир тан бўлиб ўқитиш тизимини илмий-услубий бойитиш, илғор иш услубларини яратиш - бурчимиздир" шиори остида ўтди. Улар тингланган маърузаларни таклифлар асосида баҳсмунозара тартибида бойитишга ҳаракат қилдилар. Бу борада сўзга чиққан ўқитувчилар тушунмовчиликларга аниқлик киритиш юзасидан таклифларини билдирдилар.

(Давоми 3-бетда)

Ta'tildagi tadbirlar

СУВ СОТГАН МАЪҚУЛМИ ЁКИ ҲУНАР ЎРГАНГАН?

Элёр лицейнинг 8-синфини битирди. Таътилга чиққан Элёрнинг бўш вақтини қандай ўтказиш кераклиги оилада муҳокама қилинди. Дадаси "бозорга чиқасан, катта йигит бўлиб қолдинг, энди савдо-сотиқни ўрган" деб, акаси "эй, бунингиз бозорга чиқиб ҳеч нарсани ёлчитмайди, ундан кўра бирорта репититорга қатнасин, тил ўргансин, китоб ўқисин, ўқишга кириш учун ҳозирдан тайёрланаверсин" деб, аяси эса "ҳали ўқишга киришига 2-3 йил бор, яхшиси ана томорқага қарасин, экинларга сув қўйсин, ўтини юлсин, бозор-позор, репититор-репититор деб, уни чалғитманглар" дея, ҳар бирлари ўзларига маъқул келган фикрни айта бошладилар. Ҳаммани гапи ҳар ердан чиққанлиги боис дадаси аввалги фикрини ўзгартириб, шундай деди: "Бўпти, бозорга чиқмаса, репититорга бормаса, ҳунар ўрганади. Эртага сартарош уста билан гаплашиб келаман, унинг олдида икки ой юрса бинойидек сартарош бўлади. Ўзимизни, қўни-қўшнини соч-соқолини қиртишлаб, дуосини олиб юрса ёмонми, қачонгача сартарошхонага чиқиб навбат кутиб, вақт кетказиб, пул сарф қилиб юрамиз. Ўзимиздан ҳам бирорта ҳунарманд чиқсин-да. Худо хоҳласа, олий маълумот ҳам олади, лекин йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз, ҳунар ўрганса ёмон бўлмайди".

Таътил бошланиши биланоқ ҳар бир оилада ана шундай мунозарали суҳбат бўлиб ўтган бўлиши табиий. Сабаби, кўпчилик оилаларда ўсмир йигит-қизларни "капкатта бўлиб қолди, лагерда нима қилади", деган фикр билан оромгоҳларга жўнатишмайди ва шу лаҳзада боланинг бўш вақтини қандай ўтказиш муаммоси пайдо бўлади. Ўзбек халқининг энг ажойиб одатларидан бири — ўз фарзанди келажагини олдиндан ўйлаш, уни жамиятга, ўз оиласига фойдаси тегадиган инсон қилиб тарбиялаш. Шунданми, халқимизда устоз-шогирдлик анъанаси яхши ривожланган. Косиб, сартарош, бешик устаси, чилангар, заргар. Бундай ҳунарлардан кўпини санаш мумкин.

(Давоми 4-бетда)

ТАНТИЛИКДА ТЕНГИ ЙЎҚ ХАЛҚИМ

Ургутдаги Гўс қишлоғида яшовчи ака-ука тадбиркорлар Саидмурод ва Акбар Нуруллаевлар 1961 йилда қурилган 30-мактабнинг эски биноси ёнида икки қаватли замонавий бино қуриш учун ўз ҳисобларидан 30 млн. сўм пул ажратдилар.

Мактаб биноси қурилишига ҳар куни юзлаб ғўсликлар ҳашарга чиқмоқдалар. Жадаллик билан қурилиши давом эттирилаётган янги бино 360 ўринга мўлжалланган. Ҳар бир қаватда 18 тадан синфхона ва катта зал жойлашган.

Қурилиш ишларига қишлоқнинг имом-хатиби Раҳмон Азиммуродов раҳбарлик қилмоқда. Бугунги кунда мактаб биносининг устки қисмини ёпиш ишлари тугалланмоқда.

Қишлоқ аҳли юртимиз мустақиллигининг 10 йиллик тантаналари арафасида фарзандларига янги мактаб биносини совға қилиш ниятида аҳиллик билан меҳнат қилишмоқда.

МУХБИРИМИЗ

2001 yil — Onalar va bolalar yili

«ОНАЖОНИМ, СУРАТИНГИЗ ЧИЗАМАН»

Пойтахт вилояти халқ таълими бошқармасининг мактабгача таълим муассасалари бўлими ташаббуси билан Урта Чирчиқ туманидаги 4-болалар боғчасида Оналар ва болалар йили муносабати билан "Онажоним, суратингиз чизаман" мавзуида вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган 21 нафар туман кўрик-танлови ғолиблари ўзларининг жажжи санъат асарларини намойиш этдилар.

Кўрик-танлов утказишдан мақсад, болаларда онага нисбатан меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, она тимсолини гавдалантириш орқали болалар қалбида она-Ватанга, халқига, табиатга муҳаббат туйғусини уйғотиш, мактабгача ёшдаги болаларнинг расм чизишга оид билимларини чуқурлаштирган ҳолда ижодий изланишларини жонлантириш эди.

Кўрик-танлов ҳайъати аъзолари — фалсафа фанлари номзоди, Беруний мукофоти совриндори А.Зайниддинова, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Кимсанов, театршунос А.Кимсанова, Узбекистон Бадиий академияси аъзолари Диёр Имомов, Рустам Худойберганов ҳамда ВХТБ мактабгача таълим бўлими бош мутахассиси С.Аҳмедовалар болаларнинг чизган расмларига ўз йўналишлари бўйича ёндашиб, баҳоладилар.

— Ҳурматли онажонлар, мураббийлар, азиз болажонлар, — деди профессор Азиза Зайниддинова. — Бугун дилбандларимиз гўзалликни, муҳаббатни, айниқса оналарига бўлган меҳрни қандай ҳис қилишларини намоён этдилар. Уларнинг чизган расмларидаги табиат билан уйғунлик, яъни онани гулга, оқиб турган сувга ўхшатганлари мени тўлқинлантириб юборди. Уларнинг ҳар бири ўз дунёқарашини шўхчан рангларда ифодалаган. Ҳеч бири қора рангни ишлатмаган. Бугунги расмларнинг айримларини кўргазмага қўйса бўлади. Ҳатто оналари билан оталарининг ҳам расмларини ёнма-ён солганлар. Тонг саҳарда қуёш нур сочиб турганини ҳам тасвирлаганлар.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 33-болалар боғчаси тарбияланувчиси Умида Воҳидова вилоят кўрик-танлови ғолиби бўлиб, республика миқёсида утказиладиган "Онажоним, суратингиз чизаман" кўрик-танловида қатнашиш шарафига муяссаар бўлди. Чирчиқ шаҳридаги 11-болалар боғчаси тарбияланувчиси Ислом Абдуллаев 2, Тошкент туманидаги 29-"Нилуфар" болалар боғчаси тарбияланувчиси Шоҳсанам Назарова 3-уринни олдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

JUMLADA JAHON

• Эроннинг шимоли-шарқида юз берган сув тошқини оқибатида бир неча ўнлаб кишилар ҳалок бўлгани, йўллар, газ, электр тармоқлари ишдан чиққани ва табиий офат яна хавф солиб тургани боис президент Муҳаммад Ҳотамий ҳукуматни тошқин оқибатларини тугатишга доир қатъий чоралар кўришга даъват этди.

• Германияни иккига ажратган деворга илк тош қўйилган "қора кун"(12 августдан 13 августага ўтар кечаси)га 40 йил тўлиши муносабати билан эндиликда қайта бириккан мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида давлат байроғи туширилиб, "нишонланди" ва фақатгина рамзий маъно касб этиб турган деворнинг икки тарафидаги ҳаёт манзаралари бир-биридан кескин фарқ қилиши афсус билан эътироф этилди.

• Толиблар ҳукумати томонидан Афғонистонда мусулмонларни христианликни қабул қилишга даъват этганликда айбланиб қўлга олинган ғарблик саккиз фуқаро — Shelter Now хайрия ташкилоти ходимларининг тақдири номаълум бўлиб турган бир пайтда БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вакили толибоннинг мартабали вакили Абдул Жалил билан шу масалада учрашишга ҳозирлик кўрмоқда.

• "Индепендент" газетаси маълумотларига кўра, БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича бошқармаси бошлиғи Рууда Любберс Буюк Британия ҳукумати халқаро қонун-қоидаларни бузаётганлигини айтган, яъни сиёсий қочқинларни ушлаш мумкин бўлмагани ҳолда уларнинг кўпчилиги суткасига 20 соатлаб қамоқхоналарда ўтиришига тўғри келмоқда.

Воқеалар ривожини олдиндан кўра олган Президентимиз ана шу сабабдан ҳам ўтиш даврида етакчи ислоҳотчилик вазифасини давлат бажариши лозимлигини асослаб берганлар.

Ҳатто ЮНЕСКО ташкилотиданмиз деб хорижлик харидорлар ҳам келишди. Пул таклиф қилишди. Мен уларга мерос сотилмайди, деб жавоб берганман. Чунки бу буюмлар фақат менга эмас, бутун халқимизга тегишли мулк.

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ: ТАДҚИҚОТ ВА АМАЛИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, миллий истиқлол ғояси мавзуларини тадқиқ этиш ва жамият тараққиётини моделлаштириш масалаларида ижтимоий фан билан бошқа соҳаларда изланишлар олиб бораётган олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги замон талаблари даражасида, деб бўлмайди. Аслида эса бу моделнинг назарий жиҳатини ана шундай ҳамкорликда ўрганиш мамлакатнинг юзага чиққан салоҳият ва имкониятлари, ишлаб чиқарувчи кучлари ривожи, инфратузилмаси, юртимизнинг табиий бойликлари, демографик вазияти, аҳолининг онги, билими, касби, салоҳияти каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш концепциясини, оддий тил билан айтганда, бизнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимизни янада самаралироқ амалга ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда тараққиётимиз моделининг тадқиқ этиладиган кўплаб йўналишларга эгалиги ҳам турли соҳа олим ва мутахассисларининг ҳамкорлигини талаб қилмоқда. Бунда, айниқса, мамлакат ва халқ ҳаётининг турли жабҳаларига хос бўлган ва ижтимоий тараққиётнинг динамик қонунларини ўзида акс эттирадиган хусусий соҳаларга хос моделларни яратиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри бу масалаларда айрим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо уларни юқори самара бераяпти, деб бўлмайди. Баъзи ҳолларда тадқиқотчиларимиз бу соҳада энг асосий манба бўлган Президентимизнинг асарларидаги теран фикр ва хулосаларни тўлиқ ўзлаштириб олмаганлари кўзга ташланмоқда.

Ҳолбуки, Президентимиз асарларида тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш жараёни, миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалби ва онгига сингдириш ҳамда бу соҳалардаги тадқиқотларимизни ҳаёт талаблари билан уйғунлаштириш масалаларига ниҳоятда катта аҳамият берилган. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласига ёзилган "Сўз боши"даги: "Маърифатпарвар шоирларимиздан бирининг сўзларини бир оз ўзгартириб айтадиган бўлсак, бу борада барчамиз учун ишлаш ва фикрлаш замони келди" деган даъват айнан бизга қаратилган, дейиш мумкин.

Биз тараққиёт моделининг миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ долзарб масалаларини тадқиқ этар эканмиз, ўзбек моделининг назарий асослари, устувор хусусиятлари нималардан иборатлиги ва жаҳонда тан олинаётган йўналишларининг мамлакатимизда озод ва обод Ватан барпо қилиш учун аҳамияти қандайлиги каби масалаларни четлаб ўтиб бўлмайди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, нафақат иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳал қилиши, балки миллий давлатчилик асосларини, миллий қадриятларни, халқнинг ўзлиги ва ғурурини қайта тиклаши лозим эди. Шу билан бирга истиқлол ғояларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритадиган кадрларни тарбиялаш каби масалаларни ҳам ҳал этиши зарур эди.

Бу борада Ватанимиз тарихи, миллий давлатчилик анъаналари, халқимизнинг менталитети, турмуш тарзи билан бир қаторда, умуминсоний тажрибалар, жаҳон андозалари ҳам ҳисобга олинди. Тарихга назар солсак, XX асрда тараққиёт даражаси ибратли бўлган Франция, Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг тараққиёт моделлари кўпроқ иқтисодий моделлар эканлиги яққол кўзга ташланади. Улар сиёсий, ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётни тубдан янгилашни назарда тутган эмас. Ушбу мамлакатларнинг бирортасида, иқтисодий ислоҳотлар даврида, миллий давлатчиликни, маънавий қадриятларни, маданий меросни ва она тилини тиклаш сингари масалалар ҳам долзарб бўлмаган.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилганида тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа жамиятни ислоҳ этишнинг бугунги кунда барчага маълум бўлган ва илмий асосланган беш тамойили вужудга келди.

Ушбу тамойилларни миллий истиқлол ғояси ва жамият тараққиётини моделлаштиришнинг замонавий ютуқлари асосида ўргансак, бир қатор катта назарий ва амалий аҳамиятга молик хулосаларга келиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай ўтиш даври муайян жараёндир. **Бир ҳолатдан иккинчи мақсадли ҳолатга, бир тизимдан иккинчисига ўтиш содир бўлиши учун муайян чегара шартлари бажарилиши лозим.** Яъни бир сифат ҳолатининг чегараси бузилишидан иккинчи бир сифат чегарасининг шаклланишигача муайян давр ўтади ва кўпдан-кўп ўзгаришлар содир бўлади. Жамиятда ҳам худди шундай. Собиқ иттифоқдаги тараққиёт ва янгиланишларга ўрин қолдирмайдиган тизимдан янгисига ўтиш ҳам шу тариқа содир бўлмоқда. Бу даврга нисбатан ҳам ўтиш даврининг умумий қонунларини тадбиқ этиш мумкин. Президентимиз айнан шундай даврнинг моделини яратдилар. Мамлакатимиз ривожининг ҳозирги даврига нисбатан асосий тамойиллар, яъни ўтиш даври шартлари нималардан иборатлигини кўрсатиб бердилар.

Бунда, аввало, тараққиёт талабларига жавоб бермай қолган эски тизимни сақлаб турган чегаралар бузилишига олиб келган ички ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим эди. Чунки бу ўзгаришларнинг ҳаракати эски тизим чегаралари бузилганидан кейин ҳам маълум муддат давом этади. Иккинчидан, бир тизимдан кейингисига ўтишнинг ўзига хос йўлларини назардан қочирмаслик зарур эди. Айнан ана шу талабларнинг ҳисобга олиниши жамиятимиз ривожининг беш тамойили деб ном олган ва тараққиётнинг ўзбек модели мазмун-моҳиятини белгилаб берган йўналишларни асослаш имконини яратди.

Илм-фаннинг аниқ қонунқоидаларига кўра ўтиш хаотик (тартибсиз) ёки тартибли тарзда рўй бериши мумкин. Агар бу жараён тартибсиз кечса, унда мавжуд тизимнинг баъзи элементлари тез ва зўрлик билан ўзгартирилади, йўқотилади. Буни жамиятга тадбиқ этганда ўзгаришлар жараёни тадрижий эмас, балки инқилобий тарзда амалга оширилади, тараққиётнинг қонунқоидалари ҳисобга олинмайди. Бу йўл бизга тўғри келмас эди ва шу сабабдан ҳам Президентимиз **янгисини қурмасдан, эскисини бузмаслик** лозимлигини қайта-қайта уқтириб келмоқдалар.

Шу билан бирга **ўтиш даврида жараёнларнинг тартибсиз ҳолга келмасligи учун ҳар қандай тизимнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ва бу ўзгаришларни бир йўналишга сола оладиган муайян ички куч зарур.** Агар ҳар бир тизим ўзини-ўзи ушлаб турадиган, ички жараёнларни муайян йўналишга сола оладиган бир кучга эга бўлмаса, ўзини ташкил этиб турган элементлар орасидаги боғланиш ва алоқадорликларнинг доимийлигини таъминлай олмайди, охир-оқибат тарқалиб кетади, ўз-ўзидан ҳалок бўлади. Жамиятдаги мавжуд элементларни, яъни турли тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган бундай куч вазифасини давлат бажаради. Давлат ўзининг ана шу функциясини бажара олмаса, ўз ҳудудидаги жараёнларни бир йўналишга сололмайди, яъни мавжуд жамиятдаги тартибни сақлаб қола олмайди. Воқеалар ривожини олдиндан кўра олган Президентимиз ана шу сабабдан ҳам ўтиш даврида етакчи ислоҳотчилик вазифасини давлат бажариши лозимлигини асослаб берганлар.

Ўтиш даври масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганининг сабаблари бор. Аввало, бу масала мамлакатимизда кун тартибидан бирор муддат ҳам тушган эмас. Балки ҳар бир ўзгариш, янгилик орқали орзу этилаётган жамият — **озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга** қадам-бақадам яқинлашиб борилмоқда. Бунда ўтиш даврининг умумий қонуниятларига мос келадиган қоидаларга амал қилиш билан бирга, мамлакатимиздаги шарт-шароит, халқимиз менталитети, турмуш тарзи ҳисобга олинган ҳолда, ўйлаб собитқадамлик билан фаолият юритилмоқда.

Миллий истиқлол ғояси ҳам ана шу умумий қоидалар ва жамиятимизга мос хусусиятларни ўзида ифодалайдиган яхлит таълимотдир. У аслида ҳозирги ўтиш даврининг мафкуравий соҳадаги тамойилларини белгилайди, тараққиётнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг ғоявий асосларини ифодалайди. Ана шу сабабдан ҳам биз миллий истиқлол ғоясини тараққиётнинг ўзбек моделидан айрича тасаввур этолмаймиз. Балки уларни жамиятимиз ҳаёти ва тараққиётимиз диалектасининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ томонлари сифатида талқин этамиз.

Тарихий тажриба миллат ва давлатлар тараққиётида мустақиллик энг асосий омил бўлишини исботлайди. Унга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ўзбек модели тамойиллари эса мамлакатимизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши учун аввало мамлакатимиз мустақил бўлиши лозим эди. **Фақат мустақилликкина ўзига хос йўл танлаш учун тўла имкон беради. Мустақил мамлакатдагина халқнинг миллий давлатчилик анаъаналарини тўла тиклаш мумкин.** Айни вақтда, халқ мустақил бўлса жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларини ўзига мос тамойиллар асосида қўллаш имконига эга бўлади.

Бу тамойиллар миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг ўзбек модели кўзда тутадиган олий мақсадга йўналтирилган фаолиятимизнинг асосларини белгилайди. **Олий мақсад — Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, халқ фаравонлигига эришиш орқали мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этишдир. Ана шу эзгу мақсад ва интилишларнинг барчаси «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» ғоясида ўз ифодасини топган. Тараққиётнинг ўзбек модели пировард натижада ана шу ғоянинг амалга ошишига хизмат қилади.**

Хуллас, миллий истиқлол ғояси мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти сифатида янги ҳаёт барпо этиш жараёнида халқимизни пировард мақсадлар йўлида уюштирувчи омил, ижтимоий фаолиятнинг маънавий мезони сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Тараққиётимиз моделида фан ва таълимнинг алоҳида ўрни бор. Табиат ва жамиятнинг тикланмайдиган, тикланадиган интеллектуал ресурслари мавжуд. Дунё тажрибаси тикланадиган ресурсларнинг тикланмайдиган бўлиб қолмаслиги учун албатта интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланиш зарур эканини кўрсатмоқда. Юртбошимиз **«XXI аср — интеллектуал авлод асри»** деганларида мамлакат илм фани, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юқорига кўтариш орқали ану шу муаммоларни оқилона ҳал этишни назарда тутган.

Хўш, шундай экан, бизнинг бу борадаги тадқиқотларимизни, улар асосидаги амалий таклиф ва услубий ишланмалар яратиш даражасини бугунги кун талаблари даражасида деб бўладими, олиб борилаётган тадқиқотларнинг ҳаёт билан ҳамнафаслиги қай аҳволда, деган саволлар қаршисида ҳар биримиз масъуллигимизни тўла-тўкис ҳис қилаяпмизми?

Таълим тизими муассасаларида билим олаётган ёш авлод биздан замонавий талабларга жавоб бера оладиган ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларни кутиб турибди. Нафақат таълим тизими, балки ундан ташқаридаги аҳоли ҳам ана шу мавзудаги оммабоп китоблар ва рисолаларга муҳтож. Бугунги кунда масала биз бу борада қўйилган вазифаларни уддалай оламизми йўқми тарзида турганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада илмий-амалий фаолият бошланди, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи чоп этилганидан кейин, мавзунинг тадқиқоти ва тарғиботи масаласида баъзи ишлар амалга оширилди. Хусусан, шу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш ва самарали амалга ошишини таъминлаш мақсадида Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан жорий йилнинг бошида "Жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тадқиқ этиш давлат дастури" ишлаб чиқилди. Бу дастурнинг 19 та мавзуи бевосита миллий истиқлол ғоясига оид бўлиб, уларнинг ҳар бири пировардида амалий натижа, яъни бирон бир қўлланма, дарслик, китоб ёки рисола билан тугалланиши кўзда тутилган.

Ана шунга кўра мазкур дастур доирасида олиб борилган илмий изланишлар асосида чоп этиш ишларини уч йўналишда олиб бориш режалаштирилган:

— биринчи йўналиш — "Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари тадқиқотининг долзарб масалалари" туркумида илмий монографиялар, китоблар, рисолалар, мақолалар тайёрлаш ва чоп этиш;

— иккинчи йўналиш — кенг китобхонлар оммаси ва таълим тизимидан ташқаридаги фуқаролар орасида тарғибот ва ташвиқот олиб боришга ёрдам берадиган "Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт" мавзуида доимий семинар ташкил қилиш ва туркум рисолалар тайёрлаш. Бу борадаги рисолаларнинг дастлабки 12 таси тайёрланди ва тез кунларда китобхонлар қўлига етиб бориши мўлжалланмоқда;

— учинчи йўналиш — таълим тизими учун миллий истиқлол ғояси ўқув фани бўйича дастурлар, қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш ва уларни чоп этиш.

Ҳозирги кунга келиб таълим муассасалари учун ана шу йўналишда 3 та дастур, 5 та ўқув қўлланмаси, изоҳли кўргазмали воситалар тўплами, изоҳли оммабоп луғат тайёрланди. Мактабларнинг 7-9-синфлари учун "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" тажрибавий дарслиги чоп этилмоқда. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларига мўлжалланган тажрибавий қўлланмалар тайёрланиб, чоп этишга топширилган.

Шу билан бир қаторда барча таълим босқичларидаги муассасалар учун мўлжалланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча, тамойил ва атамаларнинг изоҳли луғати" ва "Миллий истиқлол ғояси: изоҳли кўргазмали воситалар тўплами" ҳам тез кунларда чоп этилиши мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда уларнинг ўз вақтида чоп этилиши ва янги ўқув йили бошланишидаёқ ўқувчи ва талабаларнинг қўлига етиб бориши масаласи бу ишга алоқадор барча вазирликлар ва ташкилотларнинг зиммасидаги энг асосий вазифа бўлиб турибди. Холбуки, янги ўқув йили бошланишига ниҳоятда оз муддат қолди. Бу эса ўз навбатида, мазкур соҳадаги ишларимизни сарҳисоб қилиш вақти яқинлигини, барчамизнинг диққат-эътиборимиз ана шунга қаратилиши лозимлигини англатади.

Миллий истиқлол ғоясини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдириш жараёнларида миллатчиликнинг ҳар қандай шаклларига йўл қўймаслик, таълим-тарбияда умуминсоний қадриятлар устуворлигига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бу вазифани бажариш учун Фан ва техника давлат қўмитаси "Республика таълим тизими муассасаларини миллий истиқлол ғояси ўқув фани бўйича давлат тилидан бошқа тилларда ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлаш илмий дастури" лойиҳасини ишлаб чиқди.

Бу лойиҳага кўра, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқувчи ва талабалари учун биринчи навбатда рус тилида 3 та дастур, 5 та тажрибавий ўқув қўлланмаси, 2 та кўргазмали воситалар мажмуи, ўқитувчилар учун 2 та услубий қўлланма, 1 изоҳли луғат тайёрланиши кўзда тутилмоқда. Хўш, ана шу хайрли ишда таълим вазирликлари қай даражада иштирок этаяптилар, деган саволлар устида ўйлаб кўриш зарур.

Зеро, гап қайси миллат вакили бўлмасин, болаларимизнинг она тилларида миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини самарали ўзлаштиришига ёрдам берадиган қўлланма ва дарсликларни тезроқ яратиш устида бормоқда. Лойиҳани қўмита, вазирликлар ва тегишли илмий-ижодий ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда амалга оширгани мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яқинда "Жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тадқиқ этиш давлат дастури" тасдиқланганига ва унга оид ишлар бошланганига олти ой тўлади. Юқорида эришилган натижалар, чоп этишга тайёрланган китоб ва рисолалар тўғрисида гапирдик. Лекин дастурда 37 та мавзу бор, уларнинг ҳар бирига етарли маблағлар ажратилган. Хўш, дастурга кирган бошқа мавзудаги тадқиқотлар қандай кетмоқда, уларнинг амалий натижаси қай даражада, деган саволлар пайдо бўлмоқда.

Ана шу нуқтаи назардан олганда, август ойининг охирида тадқиқотлар олиб борилаётган барча мавзулар ва уларга бириктирилган мутахассисларнинг фаолиятини атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки ўтган олти ой давомидаёқ самарали тадқиқотлар олиб борган ва амалий натижаларга эришган ишчи гуруҳлари билан бир қаторда, топширилган мавзулар бўйича кўнгилдагидек тадқиқот олиб бора олмаётганлар ҳам бор. Балки вақтни ва маблағни бекорга сарф қилмаслик учун баъзи ишчи гуруҳларининг фаолиятини тўхтатиш, ана шу ҳисобдан эса янги йўналишлар ташкил қилиш вақти етди. Ана шундай янги йўналишлар орасида миллий истиқлол ғоясини тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш диалектикаси билан узвий алоқадор масалаларига бағишланган алоҳида ва мақсадли тадқиқот лойиҳаларининг бўлиши илмий-назарий изланишларимизни ҳаёт билан янада яқинроқ бўлишини таъминлайди.

Мазкур лойиҳада нафақат ижтимоий фан олимлари, балки бошқа соҳалар мутахассисларининг фаол иштироки ҳам кўзда тутилса, тадқиқотларнинг аниқ ва самарали бўлишига имкон яратилади. Бу эса ўз навбатида миллий истиқлол ғоясининг асосий вазифаларидан бири — жамиятимизда ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик туйғуларини камол топтириш, барчамизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолимизни асраб-авайлашда яқдил ва якбилак бўлишимизни намоён қилади.

Юқорида таъкидлангани каби, таълим тизими аҳолимизнинг 20 фоиздан зиёдроғини бевосита қамраб олади, холос. Шундай экан, қолган аҳоли орасида мафкуравий тарбия ва тараққиётнинг ўзбек модели масалаларини тарғиб этиш соҳасидаги ишларга тадқиқотчи олимларимиз етарлича ёрдам бера олаяптими, деган масала ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга моликдир.

Бу соҳадаги ишларни Республика маънавият ва маърифат маркази мувофиқлаштириши, бошқа алоқадор идора ва ижодий ташкилотлар билан бирга амалга ошириши кўзда тутилган. Миллий истиқлол ғояси ўқув фани бўйича методологик комиссиянинг май ойи охиридаги йиғилишида бу соҳада Кенгаш ва бошқа ижодий ташкилотлар иштирокида доимий семинар ташкил қилиш тўғрисида келишиб олинган эди. Бу борадаги ишлар энди бошланмоқда.

Ҳолбуки, бу соҳада тарғиботчи ва ташвиқотчилар учун ёрдам берадиган "Воизга ёрдам" рисолалар туркуми ва кўргазмали материаллар тайёрланган. Яқин кунларда «Миллий истиқлол ғояси» туркумининг 12 рисоласи нашрдан чиқади, яна 9 рисола нашрга тайёрланмоқда. Аҳоли орасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларида бор имкониятлардан ижодий фойдаланиш зарур.

Йиғилиш ниҳоясида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз қалби ва онгига сингдириш борасидаги бугунги долзарб вазифалар барчадан фаол ва омилкор бўлишни талаб қилаётгани яна бир бор таъкидланди.

Анжуманда Т.Рисқиев маърузаси юзасидан сўзга чиққан Фан ва техника давлат қўмитаси раиси П.Ҳабибуллаев, ЎзФА Тарих институти директори Д.Алимова, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари А.Болиев, файласуфлар миллий жамияти раиси Қ.Назаровлар юқоридаги масалалар бўйича ўз фикрлари, таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Семинарда ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, алоқадор илмий-текшириш институтлари, илмий-ижодий ташкилотлар, шу соҳада иш олиб бораётган олим ва мутахассисларнинг амалий фаолият дастури ҳақида фикрлашиб олинди. Семинарни мунтазам ўтказиш ҳақидаги мулоҳазалар эътиборга олиниб, кейинги машғулотларнинг мавзуларини белгилаш, аниқ таклифлар асосида доимий иш режасини тузишга келишилди.

ТАҲРИРИЯТ

Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани 1, 2, 5, 6-мактаблар ўқитувчилари Ш.Тешаев, П.Исмоилова ва бошқалардан.

? ? ?

САВОЛ: 15 фоизли қўшимча маош фақат рус тили ўқитувчиларигагина берилдими? Агар ҳар бир ўқитувчига 15 фоизли ҳақ тўланса, бу буйруқ қачон чиққан? Қайси номер билан? Кимлар учун? Шулар ҳақида бизга аниқ тушунча берсангизлар.

! ! !

ЖАВОБ: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги "Республика бюджет муассаса ва ташкилотларида пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони ва Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 8 сентябрда №98 рақамли буйруқ билан тасдиқланган бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди*

Ma'rifat маслаҳатхонаси

Низомига биноан 1996 йил 1 январдан Халқ таълими вазирлиги муассаса ва ташкилотларида 15 фоизли, ходимларни моддий рағбатлантирувчи махсус фонд ташкил этилган.

15 фоизли моддий рағбатлантирув махсус фонди маблағи ходимларнинг иш ҳақига қўшимча ҳақ ўрнатилишига ва уларни мукофотлашга сарф қилинади. Моддий рағбатлантирув махсус фонди маблағи ҳар бир ходимнинг таълим-тарбия беришда ва ишнинг бажарилиши натижаларига қараб берилади. Меҳнат интизомини бузган, ишида қўпол хатоларга йўл қўйган ва бошқа хатоликлар учун бу маблағ қисман ёки тўлиқ берилмаслиги мумкин. Ўқитувчилар қайси фандан дарс беришидан қатъи назар мазкур касб эгаларига 15 фоизли рағбатлантирув фондидан бериладиган мукофотни бошқалар сингари оладилар.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

МЕРОС СОТИЛМАЙДИ

G'urur

Суҳбатдошим Булунғур туманидаги 13-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, оддий қишлоқ аёли Гулсара Бобоназарова яқинда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган, Амир Темур даврида зарб этилган 31 дона қимматбаҳо тангаларни юртимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи муносабати билан пойтахтимиздаги Амир Темур музейига совға қилди.

— Гулсара опа, сиз бу тангаларни қаердан олгансиз?

— Бу болалик йилларим билан боғлиқ. Ёшлигимда момоларимиз, оналаримиз сочларига тангалар осилган пўпаклар тақишарди. Мен қиз бола бўлганим учунми, бу тақинчоқларга жуда қизиқардим. Менимча, қадимги тангалар пул вазифасини ўтаб бўлгач, йиллар оша безак, тақинчоқ кўринишида сақланиб қолган. Қатор-қатор тангалар осилган тиллақошлар, паранжилар авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Менга ҳам онамдан маржонлар, сирға ва бошқа тақинчоқлар қатори тангалар ҳам мерос қолган эди. Йиллар ўтиб улғайдик, тарихчи бўлиш орзусида Самар-қанд Давлат университетига ўқишга кирдим. Сандиғим тагида сақланиб келаётган буюмлар шунчаки тақинчоқлар эмас, балки катта тарихий аҳамиятга эга бўлган мерос эканлигини англаб етдим.

80-йилларнинг бошларида ўзим ишлаган мактабнинг тарих хонасида кичик музей ташкил этдим. Ўқувчиларимга ҳам қадимги буюмларнинг аҳамиятини тушунтириб бордим. Ўқитувчилар билан тўплаган турли хил буюмлар кўргазмали қурол вазифасини бажарар эди. 1986 йилда эса мактаб музейига паспорт берилди.

— Бугунги кунда мактабларингизда қанча экспонат бор?

— Мактабимизнинг ўлкашунослик музейида 1700 га яқин турли хил экспонатлар сақланаяпти. Уларни тўплашда қишлоқ аҳли ва ўқувчиларнинг ҳиссаси катта.

— Сақланаётган экспонатларнинг қайси даврга тегишли эканлигини қандай аниқлагансизлар?

— Кўпгина экспонатларни Самарқанд Археология институти ходимлари текшириб, қайси даврга тегишли эканлигини аниқлаб берганлар. Масалан, тангаларнинг бир қисми XIV-XVI асрда Самарқандда, 1299-1882 йилларда Бухорода зарб этилган ва муомалада бўлганлиги аниқланган.

— Гулсара опа, ҳозирги кунда турли хил осори атиқаларни сотиб олувчи кишилар кўпайиб кетган. Сиз, ўзингиз тўплаган буюмларнинг қийматини яхши биласиз, уларни сотиб бойиб кетиш ҳақида ўйламаганмисиз?

— Ҳаёт синов эканлигини йиллар ўтган сайин чуқурроқ ҳис қилаяпман. Очиғи, 50 йил умр кўрган бўлсам ҳаётимда жуда кўп синовлардан ўтдим, қийинчиликларни бошдан кечирдим. Лекин ҳеч қачон шу буюмларни сотишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Ҳатто ЮНЕСКО ташкилотиданмиз деб хорижлик харидорлар ҳам келишди. Пул таклиф қилишди. Мен уларга мерос сотилмайди, деб жавоб берганман. Чунки бу буюмлар фақат менга эмас, бутун халқимизга тегишли мулк. Мен уларни халқнинг ўзига қайтардим. Қолаверса, оддий бир тарих ўқитувчиси сифатида ўз зиммамдаги вазифани бажардим, деб ўйлайман.

— Гулсара опа, сиз намунали уй бекаси, 6 нафар фарзанднинг онаси, изланувчан ўқитувчисиз. Бундан ташқари маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар қўмитаси раиси, мактабда "Ёш ўлкашунослар" тўгараги раҳбари ҳамдирсиз. Қолаверса, касбдошларингиз сизни Булунғур тумани тарихини ёзган аёл тарихчи дейишади...

— Менимча, ўз юртини севган ҳар қандай инсон унинг ўтмиши билан ҳам қизиқади. Хўш, биздан олдинги булунғурликлар ким бўлишган, улар қандай ишлар қилишган? Мен тарихчи сифатида шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилдим ва изландим. Менинг ёзганларим кимгадир наф келтирса, демак, изланишларим, меҳнатим зое кетмаган. Тарихга бўлган ҳурматим ва чексиз қизиқишим боис Ўзбекистон Археология институти ва швейцариялик археолог илмий ходимлар билан биргаликда ижодий изланишлар олиб бордик. Асосий мақсад қишлоқлар тарихини ва "Чўянтепа" тарихини ўрганиш, ёзиш эди. Бу мақсадимга ҳам эришдим.

— Гулсара опа, сиз бу йил 50 ёшга тўлибсиз. Биз кўпсонли газетхонларимиз ва таҳририятимиз номидан сиздек бағри кенг устозга сиҳат-саломатлик, боқий умр тилаб қоламиз. Халқимиз маънавий бойлигини кўз қорачиғидек асраб, ҳар қандай оғир кунларда ҳам уларни ҳеч нарсага алмашмаган, пулга сотмаган, қийналганини ўзгаларга сездирмаган сиз сингари оналаримиздан ҳар қанча ибрат олсак оз.

Н.ШЕРБОЕВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ИЖОДКОРЛИК ЙЎЛИ БИЛАН — ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарвоқе, бу ерда ҳам дарслик материаллари билан ДТСнинг мос эмаслиги, ўқув режасидаги (5-синфда) дарс соати ҳеч бир изоҳсиз қисқартирилгани, мазкур синфда географик тушунчаларни тушунтиришга қисқа вақт берилгани, дарсликларда умумий тушунчалар кенг ёритилмагани, экологияга оид маълумотлар камлиги, Жанубий-Ғарбий Осиё табиий ўлкаси 6-синф дарслигидан тушириб қолдирилгани, сифатли хариталар чиқарилмаётганини куюниб гапирдилар. Бу фикрларни келажакда муаллифлар ҳисобга олишларини баён қилдилар.

Ижтимоий йўналишдаги шўъбаларда дарсларда мавзуларга қараб Президент И.А.Каримовнинг барча асарлари ва нутқларидан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида тушунчалар бериб бориш зарур эканлиги таъкидланди. Маърузалардаги энг ибратли жиҳатлар қайд этилди. Масалан, "Истеъдодли ва зукко ўқувчиларни тарбиялашда синфдан ташқари ишларнинг ўрни", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш услубиётидан", "Миллий истиқлол ғояларини ўқувчи-ёшлар қалбига сингдириш йўллари" каби кўплаб маърузаларда ўқувчиларга Ватан туйғуси тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англатиш, уларни Ватан ғурури ва ифтихори билан яшашга ўргатиш усуллари тўлалигича акс этган эдики, улар иштирокчиларнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлди.

Фан ўқитувчилари шўъбалари билан бир қаторда туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳамда мактаб директорлари шўъбаси ҳам ишлади. Бу шўъбада асосан таълимни бошқариш ишлари самарадорлигини ошириш, раҳбарлар фаолиятига қўйилаётган ҳозирги замон талаблари, ижро интизоми, хат, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, таълим муассасалари моддий негизини мустаҳкамлашга раҳбарлик каби долзарб масалаларга алоҳида ўрин берилди.

Шўъба йиғилишида раҳбарнинг таълим мазмунини юксалтириш, таълим стандартларини ҳамда ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тўғри ва оқилона жорий этиш, таълим мазмунини такомиллаштиришга самарали таъсир кўрсатиши борасидаги масалалари бўйича ҳам диққатга сазовор фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Шўъба ишида Республика таълим маркази директори Г.Алимова иштирок этиб, 2001-2002 ўқув йилида таълим мазмуни, тизими ва дарсликлар таъминотидаги янгиликлар, таъшаҳри ва тумани, Пахтакор, Ғаллаорол, Фориш туманлари ўқитувчилари фаоллик кўрсатишди. 18 та шўъбалардан танлаб олинган энг яхши маърузалар эса ВХТБ тўпламига киритиладиган бўлди.

— Ўзбекистон ўқитувчиларининг биринчи конференциясида ўқитувчиларни фаоллаштириш, ижодкор ўқитувчилар сафини кенгайтириш, изланишлар устуворлигини таъминлаш каби масалалар тўғрисида ҳам сўз юритилганди, - деди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Мирзабеков. — Бу йўналишлар ҳақида биз кўп ўйладик ва назарий-услубий маърузалар йўли билан ўқитувчиларни ижодкорликка йўллаш мумкин, деган фикрга келдик. Шоҳиди бўлганингиздек, шўъба йиғилишлари иштирокчиларининг барчасида ўз иш тажрибаларини кўрсатишга иштиёқ, интилиш бор эди...

Дарҳақиқат, уч кун давом этган вилоят ўқитувчиларининг шўъба йиғилишларида 18 та шўъбада 120 дан ортиқ илмий-услубий маърузалар тингланди, шулардан 30 таси оммалаштиришга тавсия этилди. Тажриба ва услублар баҳс-мунозаралар асосида ўрганилди, таҳлилга тортилди, илғор ўқитувчилар кашф қилинди.

Айтиш жоизки, иштирокчилар ВЎМОИ да ташкил этилган ўзига хос мактабдан сабоқ олишди. Энди улар туман (шаҳар) микёсида ўтадиган кенгашларда, шўъба йиғилишларида "тренерлик" қиладилар. Тажрибалар худди шу тартибда мактабга йўналтирилади. Мактаб педагогик кенгашларида вилоят ёки туман ўқитувчилари шўъба йиғилишида қатнашган мутахассис(тренер)нинг ахбороти тингланади, метод бирлашмаларнинг иш режасига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Шунингдек, у ерда мустақиллик дарсини ўтиш юзасидан тавсиялар берилади. Қисқаси, вилоят фан ўқитувчиларининг шўъба йиғилишлари руҳи вилоятдан туманларга, туманлардан мактабларга кириб боради.

Исоқжон НИШОНОВ,
ХТВ умумий ўрта таълим бош бошқамасининг бош назоратчиси,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ БИЛАН

Тошкент шаҳридаги 30-меҳрибонлик уйи жамоаси янги 2001-2002 ўқув йилига деярли тахт. Аҳли заиф болаларга мўлжалланган бу меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари эрта-индин Оқтошдаги дала ҳовлидан қайтиб келишади.

Хоналарни таъмирдан чиқариш, болаларни кийимкечак, кўрпа-тўшак билан таъминлашдек савоб ишга бош қўшаётган "Янгиобод улгуржи савдо" ташкилоти «Авиасозлар деҳқон бозори», «Агротаъминот» акционерлик жамиятлари кўмагидан меҳрибонлик уйининг моддий аҳволи анча ўнгланди.

Taraddud

Янги ўқув йилида болаларга оёқ кийими ва мактаб формалари керак. Бу ишни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига олган. Ҳадемай, болаларга "Кибо" оёқ кийими, кўйлак-шимлар тарқатилади.

— Тарбияланувчиларимиз меҳрибонлик уйи ёнгинасида жойлашган 103-ёрдамчи мактаб-интернатда билим олишади, — дейди бизга маълумот берган меҳрибонлик уйи директори Гулнора Хабирхонова. — 70 нафар тарбиячи-мураббийларимиз эса доимий равишда уларнинг билим олиши ҳамда тарбиясига ўзларини бурчли, деб биладилар.

МУХБИРИМИЗ

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

Бундан беш йил олдин ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ролини янада ошириш ва шу мақсадда Республика маҳаллаларида мавжуд спорт иншоотларидан тўла фойдаланишни йўлга қўйиш, янгиларини бунёд этиш барча спорт турларини, хусусан, футболнинг оммавийлигини янада ошириш мақсадида маҳалла болалари ўртасида "Футболимиз келажаги" кубоги учун Республика турнирини анъанавий равишда, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Футбол Федерацияси, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Ёшлар" телеканалининг "Давр" информацион дастури билан ўзаро ҳамкорликда ўтказишга келишилган эди. Бу борада тегишли амалий ишларни ташкил қилишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Ушбу турнирда қатнашиш учун 8052 та маҳаллалардан 9-14 ёшдаги ўсмирлардан 6653 та команда тузилди. Мусобақаларда юз мингдан ортиқ маҳалла болалари қатнашаяпти. Бундай тажрибалар маҳаллаларда ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ва уни ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда. Куни кеча Миллий матбуот Марказида маҳалла болалари футбол командалари ўртасида ўтказилаётган "Футболимиз келажаги" кубоги Республика турнирида эришилаётган ютуқлар ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган анжуман бўлиб ўтди. Унда Республика Оқсоқоллар Кенгаши раиси Ш.Жалилов ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда журналистлар қатнашдилар. Анжуманда маҳаллаларда спортни ривожлантириш ишлари Республика ҳукуматининг спортни ривожлантиришга оид меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилаётгани, асосий эътиборни ёшларни, ўсмирларни футболга жалб қилишга қаратиш ва шу йўл орқали уларни боши берк кўчаларга кириб қолишидан асраш лозимлиги таъкидланди.

"Futbolimiz kelajagi"

"Футболимиз келажаги" кубогининг тўртта ҳудуд бўйича голиблари аниқланди. Энди голиблар 13-29 август кунлари Тошкент ва Фарғона шаҳарларида мусобақанинг финал босқичида иштирок этади.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
«Маърифат» мухбири

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2001 йил 11-август сонининг 16-бетида берилган "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" номли тавсияномасининг 8-хатбошисидан бошланадиган адабиётлар рўйхати қуйидагича ўқилсин:

1. "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (7-синф учун ўқув қўлланма). С.Нишонова, О.Мусурмонова, М.Қаршибоев.
2. "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (8-синф учун ўқув қўлланма). М.Қаршибоев. О.Мусурмонова, С.Нишонова.
3. "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (9-синф учун ўқув қўлланма). М.Қаршибоев, О.Мусурмонова.
4. "Маърифат" рўзномасининг 2001 йил 17-24 февраль сонларида берилган "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари"ни ўқитилиши бўйича тавсиялар.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

ЎРТА УМУМТАЪЛИМДА

Мустақиллик дарсларини ўтишдан мақсад ўқувчиларни мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш, бу орқали ушбу ноёб имкониятларни берган муқаддас мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш туйғусини, Ватан истиқболига ишонч руҳини сингдиришдан иборат бўлиши керак.

Бу дарсни ўтишда Президент асарларидан фойдаланиш, мустақиллик йилларида қилинган ишлар ҳақида тушунча бериш тавсия этилади.

Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 23.07. 102-сонли буйруғига асосан, дарс самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг юқори синф (7—11-синфлар) ўқувчилари билан ўтказиладиган "Мустақиллик дарси"ни мактаблар жойлашган ҳудудлардаги олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ушбу муассасалар талабалари билан бирга ташкил этиш мумкин. Тавсияга биноан, халқ таълими ходимларининг август кенгашлари шўъба йиғилишлари кун тартибига "Мустақиллик дарси" киритилиши лозим.

Дарсда ўқувчиларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги асосий масалаларни ёритишга эътибор бериш талаб қилинади:

"Мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси", "Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли", "И.Каримов — Мустақил Ўзбекистон республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий йўлбошчиси", "Ҳуқуқий демократик давлатдан, кучли фуқаролик жамияти сари", "Иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос тамойиллари", "Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш: миллий истиқлол мафкураси".

1990 йилнинг 20 июнида иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон "Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилган эди. Декларация Республикамизда барча соҳаларда мустақил сиёсат олиб бориш имконини берди ҳамда Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритганлиги тўғрисидаги асосий ҳужжат бўлди.

1991 йил 31 август куни Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган "Мустақиллик ҳақидаги Баёнот"да Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги йўли аниқ қилиб белгилаб берилди. "Халқаро жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларни йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиққа йўл қўймасликдан иборат", деб қайд қилинади унда.

Шундай қилиб дунёда яна бир мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбек халқининг муқаддас ва асрий орзуси ушалиб, Ўзбекистон парламент йўли билан қонуний тарзда ўз мустақиллигига эришди. Бу қувончли воқеа камида уч минг йиллик ўтмишга эга ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихига зарҳал саҳифалар билан ёзилди.

Дарснинг кириш қисмида албатта, бу тарихий ҳужжатлар ҳақида тушунча бериш, уларнинг суратлари ёки видеофильмларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Маълумки, таълим мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим тармоғидир. Таълим асослари Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва "Таълим тўғрисида"ги қонун билан кафолатланган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, республика Президенти биргина 1992-1993 йилларда ёшлар ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъдодини камол топтириш мақсадида 14 та Фармон қабул қилди. Уларда ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг моддий аҳволини яхшилашдан тортиб, ёшлар истеъдодини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришгача бўлган тадбирлар кўзда тутилган.

1-4-синфларда Мустақиллик дарсларини ташкиллаштиришда "Мустақил Ўзбекистон — менинг Ватаним", "Боболардан мерос, бу — азиз Ватан", "Мустақиллик — орзулар рўёби", "Ватан — ягонадир" мавзуларини тавсия этамиз. Мавзуларни ечишда, далил-маълумотлардан фойдаланишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинмоғи лозим. Шундай қилиниши керакки, мустақиллик асрий орзулар эканлиги, у абадий қолиши учун ҳамма ва ҳар бир киши курашиши керакларга жо бўлиши лозим.

5-7-синфларда эса "Мустақиллик — буюк неъматдир", "Гулла яшна, жонажон Ватан", "Мустақиллик, асрайман сени", "Мустақил Ўзбекистон, Сени таниди жаҳон!". 8-9 ва юқори синфларда "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон", "Мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси", "Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир" каби мавзуларни танлаш мумкин. Албатта, қуйидан юқорига, оддийдан мураккаблик сари тамойилига амал қилиш, катта мазмун юклаш Мустақиллик дарсларида ҳам сақланади. Бунда ўқитувчининг маҳорати, савияси, ўқувчилар билан муносабати муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ва 10 йил. Ватан ва давр. Икки яхлит тушунча, бирида иккинчисининг намоён бўлиши, кўриниши бор. Бундан ташқари, ҳар бир фуқаронинг юрт тараққиёти билан фахрланиш, ғурурланиш туйғуси ҳам таъкидланмасдан қолмайди.

Республика таълим маркази ижтимоий билимлар бўлими томонидан ишлаб чиқилган ушбу методик тавсия умумтаълим мактаблари мустақиллик дарсларини уюштиришда ўқитувчи-мураббийларга қўл келади, деб ўйлаймиз.

Н.ИСМАТОВА,
РТМ ижтимоий билимлар бўлими бошлиғи.
Ш.ТЎРАЕВ
бош методист

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА

Юрт келажаги ва унинг қудрати бевосита ўсиб келаётган ёшларга боғлиқдир. Шунинг учун ёш авлодга мустақилликнинг мазмун-моҳиятини англатиш, унинг халқ, миллат ва инсон ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини тушунтириш таълим-тарбия соҳасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу боис ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ҳам янги ўқув йилидаги биринчи дарс мустақилликка бағишланади. "Мустақиллик дарслари"да мустақилликнинг 10 йили давомида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётидаги буюк ўзгаришлар ва янгиланишлар, тараққиётнинг ўзбек модели ҳаётий мисоллар ёрдамида ўқувчиларга кенг ёритиб берилади.

Tavsiya

Таълим олаётган ўқувчиларни келажакка ишонч, мустақилликни кўз қорачиғидек асрашга, шу азиз Ватанни дилдан севишга, унинг манфаатини ҳар қадамда ҳис этиб амалий ишлари билан жавоб бера оладиган эркин фикрлилик руҳида тарбиялаши "Мустақиллик дарслари"нинг асосий мақсади бўлмоғи керак. Ўқитувчи ва мураббийлар ана шу мақсадни англаб, ҳар бир ўқувчининг онгида мустақиллик дунёқараши шаклланишига ҳамда миллий истиқлол ғояларига эътиқодли бўлиб вояга етишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Дарсни ўзлаштиришнинг кенг қиррали усулларини излаш, улардан таълим жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг билим сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда жонли мулоқот, ўзаро фикр алмашиш, замонавий техник воситалардан, кўргазмали диаграммалардан, илғор тажриба ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиб «Мустақиллик дарси»ни юқори савияда илмий педагогик асосда ташкил қилиш ўқувчиларнинг мустақиллик тўғрисидаги билимларини бойитишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртларида "Мустақиллик дарси" 8 соат ўқитилади. Бу дарсларда ўқувчиларга қуйидаги мавзу йўналишларида билим берилиши ўринлидир:

1-мавзу: Ватан мустақиллиги учун кураш тарихи ва Ватан мустақиллигининг қўлга киритилиши — 2 соат.

2-мавзу: Жамиятни демократиялаш йўлида ва тараққиётнинг ўзбек модели — 2 соат.

3-мавзу: Маънавий-маданий юксалиш ва Ватан хавфсизлигининг таъминланиши — 2 соат.

4-мавзу: XXI асрга ишонч билан дадил қадам — 2 соат.

1-мавзуда. Ўзбек халқи бой маънавий ва маданий тарихий меросга эга халқ бўлиб, дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлиги ўқувчиларга тушунтирилади. Ўзбек халқи азалдан ўз Ватанига садоқатли бўлиб, унинг равнақи йўлида улуғ орзу-интилишлар билан яшаганлиги, ўз эрки, ўз қўлида бўлган тарихий даврларда халқимиз ўзининг довруғини жаҳон узра ёйганлиги фахр билан тилга олинади.

Ўқувчининг эътибори мустақилликка эришиш тарихига қаратилади. Жумладан, Тўмарининг Эрон шоҳи Кир билан олиб борган жанги; ўз қабиласининг тинчлиги ва мустаҳкамлиги учун жонини фидо этган "Широқ жасорати"; македониялик Искандарнинг истилочилик юришларига қарши Спитаменнинг ватанпарварлик кураш фаолияти; араблардан она тупроғини ҳимоя қилишда Абу Муслим, Муқанна ва шу каби мард юрт фарзандларининг жасорати; мўғулларга қарши Жалолиддин Мангуберди кураши ҳамда Амир Темурнинг мустақил давлат тузиш учун олиб борган ҳаракатлари; Чор Россияси босқини ва шўро истибдоди даврида халқимизнинг эрк учун интилиши ҳақида ўқувчиларга айрим тарихий воқеа ва ҳодисалардан лавҳалар келтириш асосида тушунчалар берилади.

Шундан сўнг ўқувчиларга "мустақиллик" тушунчаси моҳияти тушунтирилади. Мустақиллик тушунчаси мазмунида бирор бир халқнинг ва миллатнинг орзу-умидлари ва армонлари ўз ифодасини топиши, Мустақиллик — табиатан ўз эркидан келиб чиқиб онгли яшаш, жамиятда ҳуқуқ, мустақил яшаш, мустақил фикрлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз ҳаётини ўзи изга солиш эканлиги тушунтирилиши лозим.

2-мавзуда. Ўзбекистоннинг истиқболдаги асосий мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишга қаратилганлиги, қонун устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принципи бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмрон бўлиши ва қонун олдида ҳамма баробар эканлиги ўқувчиларга уқтирилади.

Мустақиллик даврида давлат моҳияти тубдан ўзгариб, давлат ислоҳотларнинг бош ташаббускори ва йўналтирувчиси, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларни асосий амалга оширувчи бўлиб қолганлиги, чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш — давлат ички ва ташқи сиёсати йўналишининг пировард мақсади эканлиги, халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш бош вазифа бўлиб, бу вазифани амалга ошириш йўлидаги ислоҳотлар самараси ёритилади.

3-мавзуда. Баркамол, маърифатли, жисмоний соғлом, ўзининг тарихий роли ва бурчини англай биладиган одамларни тарбиялаш, жамиятда юксак маънавий муҳитни яратиш давлат аҳамиятидаги вазифа эканлиги, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий истиқлол руҳидаги маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўзликни англаш, миллий ҳис-туйғулар, ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар қилинганлиги, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий ахлоқий негизлари ўқувчиларга ўргатилади.

Миллий туйғуси кучли одам ўз Ватани дарди билан яшаши, у ҳеч қачон ўз миллати ва халқига хиёнат қилмаслиги тушунтирилади. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек ва шу каби улуғ сиймоларга, Бухоро, Хива шаҳарлари юбилейларига бағишланган тадбирлар, симпозиумлар ҳақида маълумотлар берилади.

Мустақил Ўзбекистон давлати тараққиётига хавф солаётган таҳдидлар йўқ эмаслиги, ҳар қандай таҳдиддан огоҳ бўлиш ва уларга қарши кураша олиш давр талаби эканлиги ўқувчиларга тушунтирилади.

Давлат мустақиллигига ва Ватанимиз хавфсизлигига раҳна солувчи қуйидаги таҳдидлар моҳияти содда тарзда ёритилади:

— минтақавий можаролар;

— диний экстремизм ва фундаментализм;

— буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик;

— этник ва миллатлараро зиддиятлар;

— коррупция ва жиноятчилик;

— маҳаллийчилик ва уруғ аймоғчилик;

— экологик муаммолар.

Жамиятни таназзулга етаклайдиган ва инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган бу таҳдидлардан Ватанимизни ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш ёшларнинг муқаддас бурчи эканлиги ўқувчиларга тушунтирилади.

4-мавзу. Мустақиллигининг 10 йиллиги даври мобайнида халқ хўжалигининг барча соҳаларида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги қилинадиган ишлар бўйича хулосалар берилади. XXI аср Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш асри бўлишини, бунинг учун барча ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилганлиги, ҳар бир фуқаро Ўзбекистоннинг ривожланиши учун муносиб ҳисса қўшиб яшашни ўз ҳаётининг ажралмас мазмунига айлантириши муқаддас бурч эканлиги тушунтирилади.

Ушбу дарсларни ўтишда юқорида эслатилган адабиётдан ташқари, айниқса, Президентимиз асарларидан, шунингдек, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалардан ҳамда бошқа адабиётлардан унумли фойдаланиш яхши натижалар беради.

М.ЛАФАСОВ,
Олий ва ўрта махсус вазирлиги ЎМКҲТМ "Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълими" бўлими бошлиғи.
З.КАРИМОВ,
бўлимнинг етакчи мутахассиси

Ватан ишқи баланд турар жонимиздан

Тенгдошларимизнинг: "Ҳамма ўзини осон ишга урмоқда, болалар меҳнат қилишдан қочиб, осон пул топишни ўрганмоқдалар" деган ҳадиклари тўғри эмаслигига амин бўлдик.

Йўлдош СУЛАЙМОН

ЎЗБЕКИСТОН

Яшаяпмиз эллар аро тенгу омон,
Қўшиғимиз "Ҳуббул Ватан минал иймон".
Энди тамом уйғонганмиз йўқ ҳеч ҳадик,
Дунё элин дўстлашмоққа биз чорладик!
Боғи эрам, боғи беҳишт, нурли бўстон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Кечаги ўй қолиб кетди жуда пастда,
Фикру ҳаёт ўзгаряпти басма-басдан.
Дилимизнинг поклигини билишяпти,
Сўрашгани қўл узатиб келишяпти,
Бизга томон интилишлар чин ҳавасдан.
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ватан ишқи баланд турар жонимиздан,
Фидойилик руҳи жўшар қонимизда.
Улуғ сарбон они бордир онимизда,
Тоза ният дўстимиз кўп ёнимизда.
Марду майдон муҳаббату садоқат, шон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Юксакларга кўтаряпмиз юртим туғин,
Буюкликни яратяпти кўнгил чўғи.
Ҳалолликка азалидан халқим уйғун,
Она сути билан сингган бундай туйғу!
Фарзандларнинг дилидаги минг бир достон
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Қўшиқ миллат қалбидир асли,
Ошиқликдир илдизу насли.
Қўшиқ боғлар дилни дилларга,
Дўст этади элни элларга.
Қўшиқ тақдир — тарихимиздир,
Жаҳон аро таърифимиздир.
Бир-бирига интилар халқлар,
Саодатнинг офтоби балқар.
Тоза руҳу тоза туйғулар
Қўшиқ билан бирга туғилар!
Кўнгилларни бирлаштиради,
Одамларни сирлаштиради.
Садоқату севгига чорлар,
Дилимизда қуёшдай порлар.
Муҳаббатга тўлсин ҳар хона,
Янгра қўшиқ, янгра тарона!

МУАЛЛИМАНИНГ СУРАТИ

(Данғаралик фидойи муаллима Раънохон Ҳабибуллаева ҳақида)

Хаёлим Данғара томонга қайтиб,
Раънохон шаънига бир қўшиқ айтиб —
Унинг суратини чизгим бор сўзда,
Инсоннинг кимлиги билинар кўздан!
Ўтли нигоҳидан беғуборлиги,
Умрин йўлдошидан бахти борлиги —
Қаранг, шундоққина сезилар аниқ,
Меҳру муҳаббатли қараши ёниқ!
Сочилган ўйларни олиб қўяди,
Эзгулик йўлига солиб қўяди.
Бўш қолган онлари бўлмас унинг ҳеч,
Қанча ўқиб, кўнгли тўлмас унинг ҳеч!
Ўзини ўйлашдан кечиб юборган,
Тарихни-ку сувдай ичиб юборган.
Дунёнинг сиридан воқиф этай деб,
Орзу-ниятимга, қани, етай деб —
Яйрайди-шогирдлар уни ўраса,
Билмаганларини агар сўраса!
Ўқигани сари фикри қуйилиб,
Билганлари эса оздай туюлиб —
Дарсхонаси турар доим чарақлаб,
Вақт ўтганин сезмас китоб варақлаб!
Энг ширин сўзларни излайди кўнглим.
Оппоқ тонгни бедор кутган, эй синглим:
Муаллима, Она, ҳам севимли Ёр,
Асли Сизлар билан бахтиёр Диёр!

СУВ СОТГАН МАЪҚУЛМИ ЁКИ ҲУНАР ЎРГАНГАН?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Болалар таътили мазмунли ўтказмоқда, улар турли оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда, деб кўп ёздик. Лекин оромгоҳга бормаган ўқувчиларнинг ёзги таътили қандай ўтганлиги ҳақида камроқ маълумот бердик. Болалар бўш вақтини нимага сарфламоқда, фақат бугунни ўйлаб, осон пул топишнинг ҳадисини олган, бозорларда, кўча-кўйда сув, писта каби майда-чуйда нарсалар сотиб кунини ўтказаётган болалар билан узоқни ўйлаб иш кўраётган, қайсидир ҳунарманддан ҳунар ўрганаётган болалар ўртасида фарқ борми, қийналиб ҳунар ўрганаётган боланинг тутган йўли яхшими, ёки сотувчи боланими? Улар дунёқарашида, фикрлашида қандай фарқ бор?

Мақола ёзмоқчи бўлган мухбир аввало ўзига яқин бўлган ёки ўзи яхши биладиган жойдан манба излайди. Биз ҳам ҳунарманд болалар билан суҳбат қуриш ниятида аввал Эски шаҳарга яъни Чорсу бозорининг орқа тарафида жойлашган бешик, панжара, эшик-ром, ўроқ, теша хуллас ҳунармандлар ясаган буюмлар сотиладиган растага бордик. У ерда фақатгина ҳунармандлар томонидан ясалган, жило берилган буюмлар сотилар экан холос. Сотилаётган буюм бошқа жойда, ҳунармандларнинг уйида, маҳалла-кўйда жойлашган устахоналарда тайёрланаркан.

Сотувчилардан бири муш-кулимизни осон қилди. "Ҳув анави кўприкнинг тагида темирчилик устахоналари бор. Ўша ерда ҳам сотувга турли темирчилик асбоблари ясашади. Бориб кўринглар-чи, балки усталарга шогирд тушган мактаб ўқувчилари ҳам бордир".

Ҳақиқатдан ҳам кўприк тагида қатор чизилган темирчилик устахоналаридан темирларнинг жаранг-журунги эшитилмоқда. Кимдир болға билан ниманидир урмоқда, кимдир эгов ёрдамида қайсидир темир асбобга ишлов бермоқда. Биринчи, иккинчи, учинчи растада фақат катталар, яъни усталар ишлашмоқда экан. Тўртинчи устахона рўпарасида икки болакай ишлаб ўтирибди. Бири бир уюм темир занжирини нимадир қилмоқда, яна бирининг қўлида ҳам темирчилик асбоби.

— Хорманглар болалар, биз газетада ишлаймиз, ҳунар ўрганаётган болалар билан суҳбатлашмоқчи эдик.

— Бор бўлинг! Қайси газетада ишлайсизлар? -деб болалар ўз ишини давом эттираверди. Бу болалардан осонликча гап ололмаслигимизни билиб уларнинг исмини сўрадик.

— Исмим Муҳаммаджон. А.Икромов туманидаги 236-мактабнинг 7-синфига кўчдим.

Бу болани "гап халтаси" очилгунча унга темирчиликни ўргатаётган устозидан маълумот олиб турайлик деган ниятда, ўзини Мухторжон деб таништирган йигитни саволга тутдик.

— Темирчилик ҳунари отабололаримиздан авлодларга ўтиб келаётган мерос. Биз уларнинг бешинчи авлодимиз. Ҳамма темирчилар бизни Абдувоҳид устанинг авлодлари деб билади. Катта бувамнинг исми Абдувоҳид уста бўлган. Улар ҳам ҳозир биз қилаётган ҳунарни қилиб ўтган. Ундан кейин бу ишни бувам Маҳмуджон уста давом эттирганлар, бувамдан сўнг дадам Мўминжон темирчилик касбини қилиб, элу юртнинг хизматида бўлди. Мана энди мен шу иш билан шуғулланяпман. Укам Муҳаммаджон ҳам кичкиналигиданоқ мана шу устахонада катта бўляпти. Бу касбни ҳеч ким бизга мажбурлаб ўргатмаган. Қонимизда борлиги учунми, ёки шу ҳунарнинг нонини еб катта бўлганлигимиз сабаблими ўзимиз қизиқиб ўрганамиз. Мактабларда ўқишлар тугаб, таътил бошланиши биланоқ 5 нафар шогирд бола келди. Уларнинг ота-онаси ҳунар ўргансин, вақтини бўш ўтказмасин, деб ташлаб кетишганди. Шу болалардан икки нафари қийинчиликка чидамай кетиб қолди. Бу ерда олов ёқилади, унинг иссиғига чидаш қийин, кейин минг эҳтиёт бўлманг, барибир қўлингизнинг у ер бу ери шилинади.

Шунда шогирд бола Муҳаммаджон ҳам гапга қўшилиб кетди. — Э, опа, олов ёқилганда бу ернинг исиб кетишини бир кўрсангиз эди. Биласизми, темирчилик ҳамма ҳунарларнинг отаси. Агар кетмонингиз бўлмаса деҳқончилик қилолмайсиз, тешангиз бўлмаса эшик-ром ясай олмайсиз, ўчоғингиз бўлмаса ошпазлик қилолмайсиз, тўғрими? Мен ҳозир теша, кетмон, ўроқ, тақа, умуман темирчилик асбобларининг ҳаммасини ясашни биламан. Бу ёзда темирўчоқ ясашни ва пайванд қилишни ўргандим. Тўғриси, болалагимданоқ мана шу касбга қизиқаман.

— Энди, сизга устангиз, акангиз пул берадими, ёки бекорга уларга қарашиб юрибсизми? Қийналиб кетганингизда бирор марта мен ҳам фалончига ўхшаб газли сув сотаман, деб ўйлаганмисиз?

— Нега бекорга бўларкан, мактаб бошланишига яқин мактаб сумкасидан тортиб, бошдан оёқ кийим-кечак олиб беришади. Ҳозир менга пул керак эмас. Муҳими, ҳунар ўрганиб оляпман. Акам (Мухторжон, ҳам устаси) ҳам кичкиналигида дадамдан пул олмаган-ку.

Иккинчи шогирд бола Комилжон. У Мухторжон Абдураҳмоновнинг жияни. М.Уй-ғур номидаги 22-мактабнинг 4-синфига боради.

— Бу ерга ерталаб 9.30-10 ларда етиб келаман. Ҳозирча майда-чуйда ишларни бажараяпман. Теша, ўроқ, болғаларни учини эговлаяпман, босқон уряпман, юрибман-да. Келажакда адвокат бўлмоқчиман. Темирчилик ҳам қилавераман. Дадам ҳам кичкиналикларида темирчилик қилган экан. Ҳозир ҳуқуқшунос бўлиб ишлайдилар. Бекор юрмаяпман. Мухтор акам ҳар куни музқаймоққа пул беради, бу ерда улар билан бирга овқатланаман. Темирчиликни ҳам ўрганиб қўйсам ёмон бўлмайди. Бувам ҳунарли хор бўлмайди, деб кўп айтади.

Шогирд бола Муҳаммаджон бизга темирчиликнинг сир-асрорларидан баъзиларини гапириб берди, нега "темирни қизиғида бос" дейилишини изоҳлади, темирчиларнинг пири бўлмиш Довуд алайҳиссалом ҳақида билганларини айтиб берди.

Халқимизда "Кунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар" деган пурмаъно ҳикмат бор. Болалар бу ҳикмат маъносини энг аввало оилада ҳис қилишган. Бармоқлари катта-кичик, турли-туман темирчилик асбоблари туфайли шилиниб, қонаб кетган Муҳаммаджоннинг ҳар бир сўзида мулоҳаза, маъно-мазмун борлигини билиб, ҳунар ўрганиш ҳеч қачон инсонни тубанликка бошламаслигига амин бўлдик.

Сўнгра Беруний даҳаси, Форобий кўчаси 11-уй, 2-хонадонда жойлашган тикув цехига бордик. У ер турли буюртмалар олиб келган буюртмачилар ва ҳунар ўрганаётган, тикувчилик сир-асрорларидан вофиқ бўлишга интилаётган қизлар билан гавжум экан.

Биз тикув цехи раҳбари Севара Умарова билан суҳбатлашиб, бу ерда кечки қўйлаклар, дарпардалар, чойшаблар тикилишини билиб олдик.

— Севара, ўзингиз ёш бўлишингизга қарамай тикувчилик сирларини шогирдларга яъни мактаб ўқувчилари бўлган қизларга ўргатмоқда экансиз...

— Ҳа, бу ишда онам Сурайё опа менга катта ёрдам бермоқдалар. Таътил бошланиши биланоқ кўпгина қизлар "бизни шогирдликка олинг", — деб келишди. Аввалига бироз чўчидим, кейин тикувчиликка ҳавасманд, қобилиятли қизларнинг 3-4 нафарини шогирдликка олдим. Ўзингизга маълум аёл киши саранжон-сариштa, покиза, озода уй бекаси бўлиши лозим. Тикиш-бичиш қўлидан келса ундан ҳам яхши. Бугунги кунда кўпчилик тайёр кийим-кечак харид қилгандан кўра, ўз дидига, қадди-қоматига мос келадиган кийимларни тиктириб ки-йишни афзал кўрмоқда. Биз Европанинг машҳур "Бурда" фирмаси андозаларидан фойдаланиб, ўзимизнинг миллий анъаналаримизга таянган ҳолда иш олиб бориб, мижозларимизга кўнглидагидек кийим-кечаклар тикамиз. Шогирд қизларимизга нафақат тикиш-бичишни, балки чиройли моделлар ўйлаб топиш йўлларини ҳам ўргатамиз. Уларда эстетик туйғуларни шакллантирамиз. Гўзалликка бўлган интилиш ва ҳавасларини ҳам оширамиз. Ахир, ҳар бир қиз, энг аввало гўзал, оқила, билимдон, тадбиркор бўлиши керак-ку. Хуллас, уларга ҳаёт сабоғидан ҳам дарс берамиз.

Наргиза Умарова, Бирлик даҳасида истиқомат қилади, 183-мактаб ўқувчиси:

—Бу ерга келиб анча нарсаларни ўргандим. Муҳими вақтим зое кетмади. Ҳозир ўзим хоҳлагандек қўйлаклар тика оламан. Бу ерда фақат қўйлак тикишни эмас, балки уларга безак беришни, фасонларини ўзгартиришни ҳам ўрганиб олдим. Мактаб формасини ҳам ўзим тикиб олмоқчиман. Бу оиламиз бюджетига ҳам фойда келтиради, ҳам ўзим тиккан форма ҳар томонлама қулай, узоқ вақтга чидайдиган бўлади.

Биз ҳунар ўрганаётган, бўш вақтини самарали ўтказишга интилаётган ўқувчи-болалар кўплигидан қувондик. Тенгдошларимизнинг: "Ҳамма ўзини осон ишга урмоқда, болалар меҳнат қилишдан қочиб, осон пул топишни ўрганмоқдалар" деган ҳадиклари тўғри эмаслигига амин бўлдик.

Болалар оромгоҳга бормай ҳам вақтларини кўнгилли ўтказиш мумкин эканлигини мана шу ерда ҳис қилишмоқда.

Шарифа МАДРАҲИМОВА, Муқаддас ОХУНОВА

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ БАЙРАМ

Қутлуғ байрам бўсағасидамиз. Қувонарлиси, ушбу байрам арафасида пойтахтимизда байрамга айланган спорт тадбири ўтказилди. Мазкур эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати мамлакатимиз спортининг тобора юқори поғоналарга эришаётганини билдиради. Беш кун давом этган юқори даражадаги спорт тадбирида дунёнинг бир қатор машҳур спортчилари қатнашди ва мусобақанинг бевосита гувоҳи бўлишди. Биз уларнинг баъзиларини гурунгга тортдик.

Арсен ФАДЗАЕВ, эркин кураш бўйича бир неча бор Жаҳон ва Олимпия чемпиони:

— Чемпионат ажойиб тарзда ўтди. Асосийси, меҳмонларнинг ҳам, спортчиларнинг ҳам, томошабинларнинг ҳам кўнгли тўлди. Ўзбекистонда эркин курашга берилаётган эътибор мени хурсанд қилди. Ўйлайманки, Тошкентда ўтказилган бу мусобақа мамлакатимизда бўлиб ўтган бу тарздаги спорт тадбирининг охиргиси бўлмайди. Ахир Ўзбекистон спорти бугун ўсишда-ку! Ҳаммангизга омад тилайман.

Михай БИРО, FILA вице-президенти:

—Ўзбекистонликлар эркин курашда жуда юқори маҳоратга эга эканликларини намойиш этишди, юнон-рум кураши бўйича эса ҳали тажрибалари етарлича эмас.

Сизнинг ҳукуматингиз, давлат спорт қўмитаси, кураш федерацияси ушбу спорт турини қўллаб-қувватлаётганликларидан мамнунман. Ўзбекистон FILA аъзолари ичида ўзининг фаол ва кучли давлатлардан бири эканлигини яна бир бор исботлаганини қайд этиш лозим. FILA вакили сифатида Ўзбекистон ўзига билдирилган ишончни тўла оқлади, деб айта оламан.

Индира ХУДОЙБЕРГАНОВА ёзиб олди
Суратларни муаллиф олган.

Nashriyotlar hayotidan

ТИББИЙ БИЛИМЛАР АҲОЛИГА

Тиббиётга ихтисослашган республикадаги ягона "Абу Али ибн Сино" нашриёти қирқ уч йилдирки, китобхонларни энг яхши ўқув ва маърифий адабиётлар билан таъминлаб келмоқда. Сўнгги йиллар мобайнида нашриёт бозор иқтисоди талабларини ўрганган ҳолда ишни ташкил қилиб, бир қатор қизиқарли, оммабоп туркумларда китоб чиқаришга киришди. Айниқса, "Буюк табиблар меросидан", "Оила кутубхонаси", "Кулги шифохонаси", "Инсон аъзолари", "Машҳур шифокорлар ҳаётидан" туркумларида чоп этилган "Уржуза", "Ёш оналарга шифокор маслаҳатлари", "Она ва бола таянчи", "Аллома аёл", "Умр дафтари", "Шарқона даволар", "Ёстиқдек китобдан уч саҳифа" каби китоблар ўқувчиларнинг доимий маслаҳатгўйи, ҳамроҳига айланди.

Нашриёт 2000 йилдан бошлаб халқаро ташкилотлар ва нуфузли тиббиёт муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлади. Бу ўзаро ҳамкорлик яхши натижалар бера бошлади. Масалан, халқаро тараққиёт бўйича АҚШ агентлиги "Соғлиқни сақлаш ислоҳоти" лойиҳаси асосида "Тиббиёт ходимлари кутубхонаси" ташкил қилиниб, унда "Артериал гипертония", "Қанд касалликлари", "Болани эмизиб боқиш", "Репродуктив саломатлик", "Болаларда учрайдиган ўткир диарея" китоблари ўзбек ва рус тилларида дунё юзини кўрди. Профессор А.Фозилов таҳрири остида нашр этилган мазкур рисолаларни республикадаги таниқли медик олимлар жамоаси тузишган.

Бундан ташқари GAFE (Осиёга бегараз ёрдам ташкилоти) Андижон тараққиёт маркази билан биргаликда "Оммабоп тиббиёт қўлланмаси" китоби босмадан чиқди. Китоб аслида испан тилида ёзилган булиб, у элликдан зиёд тилларга таржима қилинган. Ундан 100 дан ортиқ мамлакатлардаги тиббиёт ходимлари баҳраманд булиб келмоқдалар. Содда, тушунарли, оммабоп тилда ёзилган қўлланмада касалликларнинг олдини олиш, беморга биринчи ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлардан тўғри фойдаланиш, доимо учраб турадиган касалликларни даволаш, оналар учун йўл-йўриқлар, тўғри овқатланиш бўйича фойдали маслаҳатлар ва керакли маълумотлар берилган.

Яқинда ушбу марказнинг Оналар ва болалар йилига мўлжалланган лойиҳаси асосида "Янги ҳаёт яратилишининг муъжизаси" (Ҳомиладор аёллар учун қўлланма) буклети 12500 нусхада чоп этилди. Қўлланма ҳомиладор аёлларни туғишга ва чақалоқни парваришлашга тайёрлаш мақсадида ёзилган. Муаллиф Катарина Бреслин ҳамшира ва доя, у Швецияда таълим олган, Скандинавияда, Америкада, Африкада ва Осиёда яшаб, у ердаги урф-одатларни ва турлича ижтимоий шароитларни ўрганиб, ҳомиладорлик одамларнинг онгида қандай ўзгариш ва таъсирлар кўрсатишини кузатиб борган. Унинг янги китоби кўп тилларга ўгирилган булиб, узбек тилида иккинчи нашри ҳисобланади.

Сунгги 2-3 йилда нашриёт ижодий жамоаси тиббиётга доир "Патофизиология", "Одам патологияси асослари", "Гепатит С", "Биоорганик химия", "Фармакология" каби янги авлод дарсликларини яратишда қатнашиб, Фан ва техника Давлат қўмитасининг грантини олишга муваффақ бўлди. 2001 йилда эса у Осиё Ривожланиш Банки томонидан умумтаълим мактаблари учун ботаникадан кургазмали куролларни яратиш ва чоп этиш бўйича танлов(тендер)нинг голиби булди. Шунингдек, энг оммабоп спорт ўйинлари ва машҳур спортчилар ҳаётига мурожаат қилишга киришилди. Яқин кунларда режадаги биринчи китоб — Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг ҳаёт йўли ҳақидаги "Узбегимнинг баҳодири" рангли, безакли китоб босмадан чиқади. Иккинчи китоб — "Узбек кураши" маълумотнома альбоми сентябрь ойида нашрдан чиқади. Узбекистонда хизмат кўрсатган тренер, Осиё футбол конфедерацияси маслаҳатчиси, ФИФА инструктори Рустам Акромовнинг "Футбол ўйини ва машғулотлари" қўлланмаси эса чоп этилиш арафасида.

2001 йилдан бошлаб нашриётларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўздавматбуотқум" кумагида мактаб дарсликларини нашр этиш ва жойларга етказиш йўлга қўйилди. Қисқа вақт ичида "Ибн Сино" нашриётида ҳам "Зоология" (6—7-синфлар), "Одам ва унинг саломатлиги" (8—синф), "Анорганик кимё" (7, 9-синфлар) дарсликлари катта нусхада босмадан чиқарилди. Натижада жамоанинг молиявий-хўжалик аҳволи анча яхшиланди. 2001 йил биринчи ярим йиллиги якунига кўра 68,8 миллион сўмлик маҳсулот харидорларга етказилди ва 5,4 миллион сўм фойда олинди.

— Нашриёт, аввало, зиё маскани. Ноширлар маърифат, зиё тарқатувчилардир, — дейди биз билан суҳбатда нашриёт директори Бахтиёр Омонов. — Куриб ўтганингиздек, машаққатли ва шарафли касб эгаларининг меҳнати изсиз йўқолмайди, балки одамлар руҳи ва фикрини соғлом қилишга хизмат қилаверади. Миллатнинг соғлом, баркамол бўлишига хизмат қилувчи бундай кенг имкониятларга истиқлол туфайли эришганимизни яшириб ўтирмайман.

Ҳа, халқимизнинг тиббий билимини оширишда ва саломатлигини тиклашда "Ибн Сино" нашриёти жамоасининг ҳам улуши катта.

Ҳ.НИШОНОВ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 2001 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудирлари:
3.09.2001 й. — 29.09.2001 й.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари:
3.09.2001 й. — 29.09.2001 й.
3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари:
3.09.2001 й. — 22.09.2001 й.

Курс давомида тингловчиларни таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар кутади ва улар учун "Темурийлар тарихи" ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болалик тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткалик ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент-95, Саидов кўчаси 6 уй. Талабалар шаҳарчаси. Транспортлар: Жанубий темирйўл вокзалидан 8 трол. "Талабалар шаҳарчаси" (охирги) бекати.

Xullas...

МАШИНА ВА ОДАМЛАР

Енгил автомашиналарни ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошаётганлиги тоза ҳавони тобора ёмонлаштирмоқда. Бу йил уларнинг сони 770 миллионга етишига аниқ мулжаллар бор.

Хўш, шу кетишда машиналар ишлаб чиқарилаверса, ҳавонинг мусаффолиги қай даражада бўларкин? Лос-анжелослик кимёгар Смит уз лабораториясида автомобилнинг чиқинди газларидан заҳарли қурумни ажратиб олишга муваффақ бўлган эди. Олимнинг фикрича, қўрғошин кислотали аккумуляторлар янги электр аккумуляторлар билан алмаштирилса, ҳаво тозалигида бир қатор муваффақиятга эришиш мумкин.

Машинаси бўлишини ҳар бир киши орзу қилади. Аммо тепадан нина ташласа, ерга тушмайдиган гавжум, тиқилинч шаҳарларда пиёдалар машиналарнинг куплигидан безор. Машиналар эса пиёданинг куплигидан.

Мундоқ уйлаб қарасангиз, машина одамларга керак, одамлар эса машинага. Шундай бўлгач, янги асрда ҳавога мутлақо зарар етказмайдиган машиналар ишлаб чиқаришга умид боғламасдан илож йўқ.

КЎПАЙГАНИ РОСТ БЎЛСИН

"Мени олиб кетинг, бургутлар" дея хониш қилган Юлдуз хоним Усмонованинг қушиғи забардаст қуш — бургутга бағишланган. Мўлжаллаган ўлжасини бургут, албатта, олиб кетади, баландликка учишда эса унга тенг келадиган қуш йўқ.

Ер юзида бу қушнинг камайиб кетаётганлиги кузатилмоқда. Германияда эса аллақачон йўқолиб кетган оқ қуйруқли бургутлар яна пайдо бўлишибди. Улар Шверин, Любек, Гамбург, Берлин шаҳарлари осмонида бемалол парвоз қилиб юришганига немислар ҳаттоки ишонишмаяпти.

Йиртқич қушларнинг қайтадан кўпайиши табиат муҳофазаси яхшиланганидан далолат беради, деб ҳисоблашмоқда. Бургутларнинг кўпайгани рост бўлсин!

Ўтган йили бу мамлакатда оқ қуйруқли бургутларнинг 360 жуфти руйхатга олинган. Бизда "Қизил китоб"га кирган бу қушларнинг қанчаси қолган экан?

УЙДА БОҚИЛАЁТГАН КАЛТАКЕСАК

Одамзот ўзига нималарни эрмак сифатида уйлаб топмайди? Биров марка йигади, биров ит боқади, яна кимдир қушлар "жинниси".

Иля Купарадзе деган жанобнинг уйида эса бир неча ойлик калтакесак яшайди. Уй соҳиби буни атайлаб, боқиш учун буюртма бериб тутдириб келди. Калтакесак "Даймонд" номини олди. Унинг севимли қилиги — қуёшда тобланиш, елкага, дарахтга осилиш.

Иля калтакесакни уй шароитига кўниктириш ва уни борган сари улканлаштириш ниятида ҳар нарсалар едирмоқда: мева-сабзавот, турли шарбатлар, ҳафтанинг бир кунида эса Даймонд мол ёки парранда гўшти билан озиқланади.

Ҳозирча калтакесакнинг узунлиги бир ярим қарич. Шу тариқа режим билан парвариш қилинса, у борабора бутун уйни эгаллайдиган маҳлуққа айланиб кетса ҳам ажаб эмас.

ana shunaqa gaplar...

Газетамизнинг навбатдаги сони 22 августда чиқади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети механика-математика факультети жамоаси Назарий ва татбиқий механика кафедраси мудири, профессор Абдували Бегматовга умр йўлдоши **Марғубахон БЕГМАТОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди
Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Қубонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2717. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.